

Hech bir inson e'tibordan chetda emas

ҲЕЧ БИР ИНСОН ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Дунёга ёйилган коронавирус, афсуски, юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Пандемия оқибатида касалликни юқтириб олганлар кун сайин ошиб бормоқда. Минглаб одамлар уй ва махсус зоналарда карантинга олинган.

Инфекция кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида қўллаб-давлат ва нодавлат муассасалар вақтинча ёпилди. Баъзи ташкилотларда масофавий ишлашга ўтилди. Фуқароларнинг жамоат жойларида тўпланмаслиги, ўзаро мулоқотларни камайитириши, уйда ўтириши тавсия этилмоқда.

Мулоҳаза

Мана шундай мураккаб шароитда айрим давлатларда иқтисодиётнинг издан чиқиши, озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилиги, соғлиқни сақлаш соҳаси инқирози, одамларнинг тушкунлик ва ваҳимага бериллиши кузатилаётгани ҳам сир эмас.

Шуқри, мамлакатимизда пандемия ва карантин билан боғлиқ қийинчиликларга қарамасдан, халқимиз саросимага тушмади. Чунки Ўзбекистонда ҳеч бир инсон, ҳеч бир оила давлатимиз ва жамиятимиз эътибори ҳамда ғамхўрлигидан четда қолаётгани йўқ. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридagi Хайрияларни мувофиқлаштириш маркази то-

монидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга, кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга озиқ-овқат маҳсулотлари, тиббий буюмлар, антисептик воситалар бепул етказиб бериляпти.

Бозорларда нарх-навонинг суъий равишда ошириб юборилмаслиги, зарур товарлар билан таъминланиши қатъий назоратга олинган. Марказдан узоқдаги аҳоли пунктлари, қишлоқ ва маҳаллаларда кўма савдо расталари ташкил этилмоқда.

Касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида бозорлар, йўллар, барча ташкилот ва муассасалар мунтазам дезинфекция қилиняпти. Пулнинг вирус ташувчи восита экани ҳисобга олиниб, пенсия маблағларининг пластик карталарга туширилиши жорий этилмоқда.

Президентимизнинг Фармони асосида тадбиркорлар фаол қўллаб-қувватланыпти. Улар солиқ ва боғхона тўловлари бўйича қатор имтиёزلарга эга бўлмоқда. Ёшларнинг таълим олиши телевидение ва интернет ёрдамида онлайн асосида йўлга қўйилди.

Фанлар академияси фаолияти ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Олимлар, тадқиқотчилар уйларида қолганлари ҳолда ўз илмий ишларини давом эттирмоқдалар. Ўзаро мулоқотни таъминлаш мақсадида "Телеграм" иктимий тармоғида махсус канал ташкил этилган. Илмий ходимларнинг кундалик ҳисоботлари Фанлар академияси томонидан умумлаштириляпти. Олинган натижалар иқтисодиёт тармоқлари, халқ ҳўжалиги ва ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан кўни кеча ўтказилган видеоселектор йиғилишида Республика комиссия мутасадди вазирлик ва идоралар билан бирга, жойлардаги ҳўкимлар, секторлар раҳбарларининг коронавирус тарқалишининг олдини олиш ҳамда унинг иқтисодиёт ва инсонлар ҳўйига салбий таъсирини имкон қддар чеклаш учун масъули-

тини янада ошириш чораларини кўчатириши керраклигини таъкидлади.

Эндilikда ҳўкимлар ва секторлар раҳбарлари аҳолининг энг муҳим ҳўтий эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш, нарх-навонинг ошиб кетмаслигига эришиш ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар самарадорлиги учун шахсан жавобгар бўлади.

Амалга оширилаётган ишларнинг барчаси одамларнинг кайфиятини кўтариб, коронавирус балосига қарши биргаликда курашишга руҳлантирмоқда. Энг муҳими, эртанги кўнга, касалликнинг, албатта, чекиншига ишончимиз мустаҳкам.

Зеро, Ўзбекистоннинг зарур бўлганда бир майзани ҳам қирқ бўлиб еган аҳил-инок, сабр-бардоши метин халқи, шу халқни жонидан ортик суйиб, унга ғамхўрлик кўрсатадиган Президенти бор!

Содиқулло БАҲРОМОВ,
ЎзРФА Физика-математика ва техника фанлари бўлими раҳбари, академик.